

БЎЛАЖАК ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ШАХСИЙ-ПЕДАГОГИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Юсупова Н.А.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

Университети Тарих фани ўқитувчиси

nargiza.yusupova.1981@list.ru

Бугунги ислоҳотлар даврида мамалакатимизда рақобатбардош, талабчан, маънавий етук, ташаббускор, касбий лаёқатли, замонавий илм ва хунарни пухта эгаллаган келажак авлод кадрларини тайёрлаш масасласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Жумаладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатларида ёш-авлодни тарбиялаш ва келажак авлод кадрларига қўйиладиган талабларга шундай тўхталиб ўтади: “биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юритигача - таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишманлари айтганидек, “Энг катта бойлиқ - бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир”! Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак” деб такидлаганлари замирида ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг ўз қобиялтлари ва шахсий-педагогик сифатларининг юқори даражада бўлиши жиҳатлар муҳим ўрин эгаллайди.

Педагогикада ўқитувчининг касбий аҳамияти тарбияланувчи шахсининг психологик сифатлари жамият билан ўзаро алоқада маданиятнинг замонавий ютуқлари даражасида шакллантириш жараёнини ташкил этишни билиш орқали белгиланади. Бунда ўзаро алоқанинг асосий мақсади – шахсни максимал ривожлантириш ҳамда мазкур ривожланиш даражасида инсоннинг ижтимоий ҳаёт мазмунига киришидир. Бу ўз навбатида бўлажак тарих фани ўқитувчиларнинг шахсий-педагогик сифатларини ривожлантириш қуидаги омилларга боғлиқ:

- бўлажак ўқитувчидаги касбий талабларга мос бўлган шахсий ижтимоий-талаб этилган дунёқарашнинг мавжудлиги;

- бўлажак ўқитувчининг тарбиявий жараён вазифаларига жавоб берувчи мақсадларни белгилаш кўникмасининг мавжудлиги;
- бўлажак педагогнинг шахсий-педагогик сифатларини баҳолашда қасбий ривожланиш қобилятларининг мавжудлиги.

Жамиятда бўлажак кадрлар масаласи ижтимоий муносабатларнинг демократик асосларига таълимда аксиологик ёндашувнинг устуворлигини белгилайди. Инсонга инсонпарварлик ёндашуви инсоний фаолият баҳосига ўсиб борувчи, яъни у ёки бу натижа эришиладиган ҳақиқий шахсий-психологик ҳатти-ҳаракатларга эътибор ифодаланди. Инсон тарбиясида зарурӣ ва эркиннинг, ижтимоий ва субъективнинг уйғун мужассамлиги таълим жараёнида фақатгина универсаллик тамойилларига таяниши мумкиндир.

Хорижий мамалакатлар олмиларидан Д.Джўраев, А.Абдуазимов, Б.Ходжаев, А.Зуннунов, Д.Фельдштейн, К.Д.Ушинский, С.Л.Выготский, И.А.Зимняялар тадқиқотларида таълим ва фан соҳасида кадрлар тарбиялаш маслаларига тўхталиб ўтилган.

Жумладан, Д.Фельдштейн тадқиқотлари доирасида шахс ривожланиши муаммоларини тадқиқ этиб, ўсмир шахсининг кўп томонли ижтимоий тан олинадиган ва ижтимоий маъқулланадиган фаолиятда шаклланишини белгиловчи қоидани асослайди. Унинг нуқтаи назарига кўра, субъект ривожланиши жараёни улғаяётган инсоннинг “Мен ва менинг жамият учун фойдам” тизимида ўзини баҳолаш эҳтиёжи билан боғлиқ. Олим келажакка йўналганликнинг муҳимлигини таъкидлайди. Аммо ўтказилган тадқиқотлари, бир неча юз ўсмирлардан фақатгина 17% ўзларининг бўлажак ҳаётларини тасаввур қилишга интилишларини кўрсатди. У мазкур натижаларни жамиятининг инқирози билан боғлиқ бўлган, шаклланаётган шахснинг ижтимоий-психологик қиёфаси муаммоларига киритади. олим ўтган аср 90-йилларидан аввалги ижтимоий қадриятлар тубдан қайта кўриб чиқилганлиги, юқори идеаллар инкор этилиб, уларнинг ўрнини утилитар прагматик мафкура эгаллаганлигини таъкидлайди. Маънавий бўшлиқ ҳосил бўлиб, ахлоқий муҳит сезиларли даражада ёмонлашган. Юқори маънавий принципларни тасдиқлашлари мумкин бўлган нуфузли ижтимоий кучлар мавжуд эмас деб ифодалаган.

К.Д.Ушинский тадқиқотининг мақсади бўлажак ўқитувчиларни тарбиялашда “ҳақиқий тарбия” ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятлари (шахс ижтимоийлашуви жараёни) ва субъективлик шаклларини (шахс индивидуал сифатларининг ўзига хослиги, эркинлиги, фаолият услубини сақлаш) мужассамлаштириш тамойилларига таянишни ифодалайди.

П.Пидкастый шахс маънавий тарбияси масалаларига тўхталар экан: “тарбиянинг мақсади умумий хусусиятга эга бўлиб, у чексиз индивидуал ривожланишни ўз чегараларида сақлашга имкон беради” деб ифодалаган [151, б. 395].

Жамиятдаги ҳаёт ижтимоий муносабатлар тизимида бўлиб, шахс уларнинг мазмуни, вазифаси, барча ва алоҳида ҳар ким учун қимматини тушуниши учун субъект томонидан англаниши керак.

С.Л.Выготский ва И.А.Зимняя ўз тадқиқотларида бошқаларга кўра замонавий жамиятда шахс ўз ҳаётини нафақат ўзининг баҳтли ва яхши ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларига мувофиқ, балки умумқабул қилинган ижтимоий қоидалар, меъёрлар, установкаларга таяниб мустақил қуришни, ҳаёт стратегиясини тузишни билиши керак. Шу билан бирга, шахс ўз тарихининг муаллифи бўлиши ва уни жамият ҳаётига уйғунлаштириши керак. Олимлар тадқиқотларида илмий фикрнинг асосий ютуғи жамиятнинг замонавий субъекти муайян ҳаёт тарзини ишлаб чиқиши ҳисобланниб, у инсон ўзининг имкониятларини очиши, ўзининг моҳиятли тавсифларини амалга оширишга мосдир. Мазкур тадқиқот моделини тадқиқотчилар “Яхши ҳаёт” деб номлаганлар. Натижада, бўлажак тарих фани ўқитувчиларининг шахсий-педагогик тарбиявий таъсиirlарнинг якуний вазифаси сифатида субъект қуидаги ривожланиш сифатларни шакллантиришда қуидаги натижалар муҳим ўрин тутади:

бўлажак ўқитувчиларнинг жамиятда инсоният ютуқларига мувофиқлик;
шахсий ҳаёт фаолиятининг инсоният муаммоларига тааллуқлилиги;
замонавий маданиятнинг энг олий қадрияти сифатида инсонга йўналганлик;
индивидуал сифатларнинг ўзига хосликлари муҳим ўрин тутади.

Демак, педагогик шарт-шароитлар тараққиёт, маънавийлик, ахлоқийлик тушунчаларига тааллуқлидир, улар аҳамиятли даражада фаолиятни субъектини тавсифлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ergashevna, SN (2020). Xalq og`zaki ijodi orqali o`quvchilarni mehnatkashlikka o`rgatish texnologiyasi. Ta'lif fanlari bo'yicha Evropa tadqiqot va mulohaza jurnali, Vol , 8 (9).
2. Ergashevna, SN (2020). FOLKLOR ORQALI TALABLARINI MEHNATGA O'RGATISH TEXNOLOGIYASI. Ta'lif fanlari bo'yicha Evropa tadqiqot va mulohaza jurnali, Vol , 8 (9).